



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 1 МАЙ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 81 (13.678)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ:

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон 29 апрель куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Туркия Республикаси Президенти ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Таъкидлаш лозимки, Туркия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Халқларимиз кўп асрлик тарихи, тили, дини, қадриятлари ва муштарак урф-одатлари билан бир-бирига қамбарчас боғланган. Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч асосидаги дўстона муносабатлар бугунги кунда изчил мустақамланиб бормоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувли саф тортди. Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркия давлат маҳоратлари янгради. Президентлар фахрий қорувли сафи олдида ўтидилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон тур доирада учрашув ўтказди. Дўстона ва очкилик руҳида ўтган мулоқотда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илм-фан, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Туркия Президентини самимий қўллаб, мамлакатларимиз муносабатлари ривожига муҳим сиёсий воқеа бўлган ушбу ташриф ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётганининг далолати эканини таъкидлади.

Ўтган йил мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янги стратегик босқичга кўтарилди. Ўзаро сый-ҳаракатлар тўғрисидаги айрибошлаш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Имзоланган ҳужжатлар самарасида халқларимиз ўртасидаги бонди-келди энгиллашди. Олий даражадаги навбатдаги музокаралар халқларимиз манфаатига хизмат қилаётган ушбу эришлар суръатини янада оширишига ишончим комил, – деди Шавкат Мирзиёев.

Режеп Таййип Эрдоғон давлатимиз раҳбарига тақдир учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда муттасил тараққий этаётганини мамнуният билан қайд этди.

– Туркия ва Ўзбекистон тарихи буюк, урф-одат ва анъаналари муштарак, энг яқин дўстлар сифатида танилган. Халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини доимо қўллаб-қувватлайди. Бугунги музокаралар ушбу дўстлик ришталарини яна бир поғона юқорига олиб чиқишига ишончман, – деди Режеп Таййип Эрдоғон.

Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги икки томон учун ҳам манфаатли. Мамлакатимизнинг бозори, тораба эркинлашган иқтисодий, қўлай инвестициявий муҳити Туркияни қизиқтиради. Ушбу мамлакатнинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ ҳўжалиги ва туризм салоҳияти Ўзбекистонга фойда келтиради.

Давлат раҳбарлари 2017 йил 14 май куни Пекинда ўтган "Бир мақом, бир йўл" форуми, ўша йилнинг 10 сентябрь куни Остона шаҳрида бўлган Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича саммити доирасида музокаралар ўтказди. Шунингдек, сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида учрашди.

Президентимизнинг 2017 йил октябрь ойида Туркияга давлат ташрифи икки томонлама дўстона муносабатларда янги даврни бошлаб берди. Ташриф давомида икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигининг мавжуд ҳолати ва истиқболларини батафсил муҳокама қилдилар. Имзоланган Қўшма баёнот ўзаро ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига олиб чиқишда энг муҳим ҳужжат бўлди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирилди.

Музокарада савдо, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, туризм, илм-фан ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро савдо ҳажми ва унинг тарихини кенгайтириш бўйича ижобий ўзгаришлар алоҳида қайд этилди.

Туркия Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан биридир. 2017 йилда давлатларимиз ўртасидаги товар айир-бошлаш ҳажми 30 фоизга ортиб, 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Шу йилнинг биринчи чоратида бу кўрсаткич 20 фоизга ўсиб, 400 миллион долларга етди. Яқин йилларда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ тадбирлар юзасидан келишиб олинди.

Рангли металлургия ва улардан тайёрланадиган буюмлар, мева-сабзавот маҳсулотлари, хизматлар, азот ўғитлари, нефтни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар мамлакатимизнинг

мизнинг Туркияга асосий экспорти бандларини ташкил этади. Ўз навбатида, мамлакатимиз пардоз-андоз буюмлари, турли механик ва электрон усқуналар, пластмасса ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар, тўқимачилик, кимё, фармацевтика маҳсулотлари, тери ошлаш ва бўйаш воситаларини импорт қилади.

Ўзбекистон Туркия бозорига энгил саноат, кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, чарм-пойабзал ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорт қилишни кенгайтиришига тайёр. Бу борада Истанбул шаҳрида очилган Ўзбек – Турк савдо уйи имкониятларидан кенг фойдаланиш мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

Транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни мустақамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳўкуматларро комиссия ҳамда Ер усти юк ташувлари тўғрисидаги келишувларга мувофиқ тузилган Халқаро автомобиль ташувлари масалалари бўйича қўшма комиссия бу йўналишдаги алоқалар ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

"Боку – Тбилиси – Карс" темир йўли ўзаро савдо алоқалари учун улкан имкониятлар яратиши қайд этилди. Шу жиҳатдан транзит тарифларини янада мақбуллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда 1993 йилдан буён ваколатхонаси фаолият кўрсатаётган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) сый-ҳаракатлари ҳам юқори баҳога лойиқдир. Ўтган давр мобайнида ушбу агентлик тиббиёт ва таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган қатор лойиҳаларнинг ҳаётга таъбиқ этилишида фаол қатнашди.

Музокараларда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўпчилиги, ушбу ташриф икки мамлакат вазирилик ва идоралари, ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар ривожига янги суръат бахш этиши таъкидланди.

Икки мамлакатда ҳам харидориг бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни етказиб бериш ва узоқ муддатли инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўзаро савдо ҳажмини муттасил ошириб бориш ва диверсификация қилиш бўйича яқил фикр билдирилди.

Ўзбекистонда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, энг аввало, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида минерал ва ҳўм ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ишлари бундан кейин ҳам рағбатлантириб борилиши қайд этилди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадаллаштиришда миллий авиакомпанияларимиз ўртасида шерикчилик муҳим ўрин тутмоқда.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси томонидан ўтган йил октябр ойидан бошлаб "Самарқанд – Истанбул", жорий йилнинг мартидан бошлаб "Турк ҳаво йўллари" томонидан шу йўналиш бўйича тўғридан-тўғри авиакатновлар йўлга қўйилгани, халқларимиз ўртасидаги бонди-келдини соддалаштирилгани муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

Ҳозирги вақтда авиакатновларни кенгайтириш мақсадида янги режа ва қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишмоқда.

Мамлакатимизда туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги дастурлар доирасида турк инвестицияси иштирокида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масаласи ҳам музокаралар мавзуси бўлди.

Ўзбекистон ҳам, Туркия ҳам туризм соҳасида улкан имкониятларга эга. Бу салохатдан тўла фойдаланиш, сайёҳлар алмашинувни ошириш улкан иқтисодий самара беради.

Яна бир муҳим йўналиш – Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожлантириш бўйича ҳам амалий фикр алмушувлар бўлиб ўтди.

Ўтказилган сўхбат ва музокаралар давомида Ўзбекистон халқаро ислон академияси, Ислон Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислон цивилизацияси маркази инфратузилмаларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини шакллантиришда туркиялик қардошлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган маданият-гуманитар алоқалар ҳам Ўзбекистон – Туркия муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. 2016 йил июнь ойида Анкарада Ўзбекистон маданияти кўнлари бўлиб ўтди. Турк санъат усталарининг Самарқандда ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивалида мунтазам иштирок этиши, Туркия давлат телерадиокомпанияси (ТРТ) Ўзбекистонда ўтказилган расмий тантаналарни хорижий мамлакатларга ретрансляция қилиши аънаанага айланди.

Соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳаларида, етакчи тадқиқот марказлари ўртасида таъриба алмашиш ҳамда профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатларимиз БМТ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг позициялари бир-бирига ўхшаш ёки яқин.

Президентлар минтақавий ва халқаро даражада тинчлик, ҳавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш истагида эканликларини таъкидлаб, кўп томонлама тузилмалар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга интилишларини билдирдилар. Хусусан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш масаласида ҳам атрафлича фикрлашиб олинди.

– Бизнинг бу борадаги қатъий позициямизни яна бир бор таъкидлашни истардим: Афғонистонда тинчликка эришишининг ягона йўли – марказий ҳўкумат ва мамлакат ичидидаги асосий сиёсий кўчлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев. – Албатта, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу борада асосий воситачи ролини бажариши лозим.

Давлат раҳбарлари маърифий ва бағрикенг ислон динини тарғиб этиш, унинг асл инсонпарварлик моҳиятини бутун жаҳон жамоатчилигига етказиш борасида ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар. Эро, ислон дини доимо эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон кенг қўламли стратегик ҳамкорлигимизни янги, янада юксак босқичга кўтаришга қаратилган, ўз мазмун-моҳияти билан катта аҳамиятга эга бўлган Қўшма баёнотни имзоладилар.

Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигининг ҳўкуқий асосларини янада мустақамлаш мақсадида мамлакатларимиз ҳўкуматлари, вазирилик ва идоралари ўртасида иқтисодий, савдо-сотик, транспорт-логистика, саноат, илм-фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларга доир 24 та ҳўжатга имзо чекилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоғон музокаралар ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида ўтганини, имзоланган ҳўжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги узоқ истиқболли ҳамкорликни янада мустақамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

– Музокаралар халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик аънаваларига мос ҳолда, очик, сермазmun ва самарали бўлди. Ҳамкорлигимизнинг бугунги ҳолати ҳолисона баҳоланиб, унинг устувор йўналишлари ва истиқболдаги вазифалари аниқ белгилаб олинди. Икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик шериклик олий кенгаши тузиш бўйича келишувга эришилди, – деди давлатимиз раҳбари.

Туркия Президенти музокаралар ўзаро англашув, манфаатдорлик ва ишонч руҳида ўтганини, Туркия ва Ўзбекистон ҳамкорлиги янада мустақамлаш, стратегик даражага кўтарилганини таъкидлади. Қўлами ва аҳамияти катта бўлган келишувларга эришилганидан, Бухородаги муборак қадамларнинг зиёрат қиланганидан бахтиёр эканини билдирди.

Режеп Таййип Эрдоғон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буурди. Олий мартабали меҳмонга мамлакатимиз парламентида амалга оширилаётган ислонхотлар ҳақида сўзлаб берилди. Туркия Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзлади.

Куннинг иккинчи ярмида Туркия Президенти Мустақиллик майдонига ташриф буурди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шундан сўнг Режеп Таййип Эрдоғон Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбўшчимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон "ЎзэкспоМарказ"да ташкил этилган "Ўзбекистон – Туркия" ишбилармонлари бизнес форумида иштирок этдилар. Бизнес-форум доирасида умумий қиймати 3 миллиард долларга тенг 50 дан ортик янги инвестициявий қўшма лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришда бундай бизнес-форумлар муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА мухбири**

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ПХАНМУНЖОМДА КОРЕЯ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ САММИТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУН ЧЖЭ ИНГА ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ

**Корея Республикаси Президенти
Мун Чжэ Ин Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!
Сизни 2018 йил 27 апрель куни корей халқи тарихида том маънода унутилмас воқеага айланган Корея давлатлари ўртасидаги Пханмунжон саммитининг муваффақиятли ўтгани билан самимий қўллаймиз.

Бугун дунё ҳамжамиятининг диққат марказида бўлган ушбу учрашувда эришилган улкан натижага Сизнинг қатъий позициянгиз, Корея Республикаси ҳамда Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, глобал ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, минтақада ўзаро ишонч муҳитини мустақамлашга қаратилган тинчликпарварлик сиёсатини амалга ошириш йўлидаги тинимсиз сый-ҳаракатларингиз тўғрисида эришилди.

Музокаралар самимий ва дўстона муҳитда ўтгани, унинг якуни бўйича қабул қилинган, икки давлатни яқинлаштириш, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданият-гуманитар алоқаларни ривожлантириш юзасидан гоят муҳим келишувларни мустақамлаб берган Корея ярим оролида тинчлик ва тараққийга эришиш, уни бирлаштириш ҳақидаги Пханмунжон декларацияси Корея Республикаси ва КХДР ўртасида янги шериклик даври бошланганига умид ва ишонч уйғотмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёда ядро куралидан холи ҳудуд яратиш ташаббускори сифатида, ҳеч шўбасиз, икки давлат ўртасидаги муносабатларини янада ривожлантириш ва минтақада интеграция жараёنларини илгари суришга хизмат қилаётган Корея ярим оролидаги денуклеаризация жараёнини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Сизнинг темир йўл ва автомобиль қатновини тиклаш тўғрисидаги ташаббусингизни алоҳида таъкидлашни истардим. Бу Корея ярим оролининг бепойаб Евроосиё мамлакатлари, жумладан, Марказий Осиё билан ҳамкорлигини кенгайтириш, уни янада логистика тизими ва жадал ривожланган савдо-иқтисодий алоқаларга эга бўлган минтақага айлантириш учун янги истиқболлар очади.

Мухтарам жаноб Президент,
Ўзбекистон Республикаси Корея Республикасининг стратегик шериги сифатида корей халқининг умумий тараққий ва фаровонликка қаратилган ўзаро яқинлашиши, Корея ярим оролида барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлаш йўлидаги фаол амалий қадамларини бундан буён ҳам қатъий қўллаб-қувватлайди.

Ишончим комил, шундай ёруқ кунлар келади ва корей халқининг бўлиниб кетган оилаларни бирлаштириш, алоқаларни тиклаш ҳақидаги кўп йиллик орзуси албатта амалга ошади, минтақада эса мустақамлаш тинчлик ва фаровонликка эришилади.

Сиз, қадрдон дўстим ва азиз биродаримга Корея давлатлари ўртасида ўтказилган саммитда эришилган, минтақа ва бутун дунёда вазиятни ижобий томонга ўзгартиришга, ҳеч шўбасиз, тарихий тасвир кўрсатадиган келишувларни амалга оширишда мустақам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар тилайман.

Сиз билан Ўзбекистон заминиди яна учрашишни сабрсизлик билан кутиб қоламан!

Чўқур ҳурмат-эҳтиром билан,
**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Туркия
Республикаси ўртасида туризмни янада
ривожлантириш, ўзаро таъриба алмашиш,
туркиялик меҳмонларни юртимиз сайёҳлик
салоҳияти билан таништиришга
бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ўтказилган тадбирда икки давлат оммавий ахборот воситалари вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди. Унда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустақамлаш, истиқболли порлоқ режаларни ҳаётга таъбиқ этиш, Ўзбек туризми салоҳиятини янада тақомиллаштириш юзасидан фикрлашилди.

Мамлакатимиздаги 7 мингдан зиёд мейморий обиди сайёҳларни, бутун дунё аҳлини қизиқтириб келади. Шу бос мазкур объектларни замонавий сайёҳлик масканларига айлантириш, хорижликлар ва юртдошларимиз учун қўлайлик яратиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, баъзи давлатлар учун виза тизимида қўлайлик яратилгани, электрон тизим йўлга қўйилгани, қисқа муддатларда ҳўжатларни расмийлаштириш имконияти берилётгани юртимизга келувчилар сафини кенгайтирмоқда.

Бундан ташқари, байрам, дам олиш ҳамда таътил кунларида транспортдан фойдаланиш тизимининг ўзиди 150 меҳмонхона бўлиб, 11 мингга тенг эди. Унда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустақамлаш, истиқболли порлоқ режаларни ҳаётга таъбиқ этиш, юртимизга қизиқиб билдираётган хорижлик инвесторларни соҳага кенг жалб этиш юзасидан тақдирлар берилди.

Туризмни ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатишда барча транспорт воситаларида кенг фойдаланилмоқда. Соҳани янада ривожлантиришга хорижлик авиакомпанияларни жалб этиш, юртимизга қизиқиб билдираётган хорижлик инвесторларни соҳага кенг жалб этиш юзасидан тақдирлар берилди.

Туризмни ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатишда барча транспорт воситаларида кенг фойдаланилмоқда. Соҳани янада ривожлантиришга хорижлик авиакомпанияларни жалб этиш, юртимизга қизиқиб билдираётган хорижлик инвесторларни соҳага кенг жалб этиш юзасидан тақдирлар берилди.

Тадбирда сайёҳлар учун меҳмонхона, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш турли-хил, нархлари, электрон манзиллар, телефон рақамлари ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди.

Б. МЕЛИКУЛОВА

XXI саҳоси
Барча маъналардан олдинчи бўлиб таърир

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Зомин туманида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши ташаббуси билан "Инсон қадри улуг, хотира муқаддас" шиори остида ўтказилган тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари, эҳтиёжманд

оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

• Фарғона шаҳрида Шарқий ҳарбий округнинг Маънавият ва маърифат маркази фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

• Гулистон давлат университетида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 790 га яқин фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

• Сурхондарё вилоятида 28-29 апрель кунлари "Бойсун ба-

ҳори" очик фольклор фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юртимизнинг турли ҳудудлари ва хориждан келган меҳмонлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Жаҳондаги энг йирик интернет дўконларидан бири бўлмиш Amazon янги хизмат турини йўлга қўйди. Эндиликда дўконнинг товарлари буюрт-

мачилар машиналарнинг юксалтиришга тўғридан-тўғри етказиб берилади, бироқ бунда ҳайдовчининг аралашуви талаб этилмайди. Ҳозирда бундай хизмат синов тариқасида АҚШнинг 37 шаҳрида қўлланилмоқда.

• Халқаро астрономлар гуруҳи Ердан энг узоқ – тўққиз миллиард ёруғлик йили масофада жойлашган олдузни аниқлади. Қайд этилишича, "Hubble" телескопи ёрдамида кузатишга юлдуз Куёшга нисбатан минг марта ёрқинроқ. Олимлар уни Икар деб номладилар.



ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Аввал хабар берилганидек, пойтахтимизда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан "Харакатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзуда ташкил этилган халқаро конференция якунланди.

Анжуман иштирокчилари 4 та секция йиғилишида аҳолининг реал даромадлари ҳамда бандлиги даражасини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва аҳоли соғлиғини муҳофазаси қилиш тизимини такомиллаштириш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, арзон уй-жойлар қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши, таълим ва фан соҳасидаги ёшларга оид давлат сиёсати: миллий, хорижий ва халқаро тажриба каби масалалар муҳофазаси бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, муҳокамалар жараёнида мазкур йўналишлардаги хорижий ва халқаро тажриба ҳам ўрганилди. Иштирокчилар томонидан Тошкент Халқаро конференцияси Резолюцияси лойиҳасига тақлифлар ишлаб чиқилди.

Секция йиғилишларидан сўнг халқаро конференциянинг иккинчи ялпи мажлиси ўтказилди. Унда ҳар бир секция мавзуси, уларда муҳофазаси этилган масалалар, билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар юзасидан секция модераторлари сўзга чиқдилар.

Йиғилишларда конференция иштирокчилари Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган мазкур анжуман бевосита ижтимоий-меҳнат масалаларини конструктив муҳофазаси қилиш учун халқаро майдон вазифасини ўтаганини, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга очиқлигини, мазкур йўналишда фаол, амалий ҳамкорликка, халқаро ва чет эл тажрибасини ўрганиш ҳамда ҳаётга таъбиқ этишга тайёригини намойиш қилганини таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишидаги тадбирларини қўлайлаштиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди туриб, Ўзбекистонда кечаётган бугунги ўзгаришлар мамлакат янги тарихини бошлаб берганини, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда юз бераётган улкан янгиланишлар мамлакатнинг дунё ҳамжамияти билан том маънода интеграциялашувини таъминлаётганини эътироф этдилар. Натижада бугун Ўзбекистон дунёни ўзига қўлайлаётгани, ёпиқликдан очик прагматик сиёсат сари юзланаётгани алоҳида таъкидланди.

Иштирокчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан аҳоли фаровонлигини изчил ошириб боришга юксак эътибор қаратилиб, ҳар бир инсон ва ҳар бир оиланинг ҳаётини манфаатларига дахлдор бўлган энг муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун мақсадли дастурлар амалга оширилаётгани ҳам эътироф этилди. Бунинг натижасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда йирик ўзгаришлар рўй бераётгани таъкидлаб ўтилди.

Анжуман якуни бўйича Тошкент халқаро конференцияси Резолюцияси қабул қилинди.

"Харакатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзуда ташкил этилган халқаро конференция доирасида Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти Бюроси (ACTRAV) иштирокида Марказий Осиё давлатлари касабаси уюшмалари вакилларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Учрашувда келгусида ижтимоий-меҳнат муносабатлари, ижтимоий ҳимоя каби йўналишларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини қўлайлаштиришга келишиб олинди.

Зиёда РАСУЛОВА

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "City Palace" меҳмонхонасида Халқаро интеллектуал мулк куни ва "Best IP – 2018" энг яхши интеллектуал мулк объекти учун танловга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва мутахассис ташкилотлар вакиллари, академиклар, ёш олимлар, профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшлар иштирок этди.

Агентлик томонидан мамлакатимизда илмий-техникавий ижодиётни рағбатлантириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, янги техника, технология ва рақобатбардор маҳсулотларни яратишга қўмаклашиш, ихтирочилик фаолиятини фаоллаштириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида "Best IP – 2018" танлови эълон қилинди.

Танловда ҳар йилгидан фарқли равишда 6 та номинация –

"Энг яхши ихтиро", "Энг яхши фойдали модель", "Энг яхши саноат намунаси", "Энг яхши селекция ютуғи", "Энг яхши ЭХМ учун дастур ва маълумотлар базаси" ҳамда "Ёшлар ўрнини энг яхши ЭХМ учун дастур муаллифи" номинациялари бўйича талабномалар қабул қилинди.

Танлов комиссияси Агентликка келиб тушган барча талабномаларни танлов низомида келтирилган мезонларга мувофиқ саралаб олди ва танлов ғолиблари аниқланди.

– 2001 йилдан бошлаб 26 апрель – Халқаро интеллектуал мулк куни сифатида нишонланиб келинади. Бу йилги байрам "Ўзгаришлар учун қувват манбаи: иждоқор ва инноватор аёллар!"

деган мавзуга бағишланди. Айнан бу йилги байрам танлови иштирокчилари орасида аёл муаллифларимиз ҳам борлиги қувонарли ҳолат, – дейди Интеллектуал мулк агентлиги масъул ходими Гўзал Вафоева.

Матбуот анжуманида журналистларга агентлик фаолияти ва соҳадаги ривожланиш тенденциялари, соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, соҳага оид қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида, ҳамда агентлик тасарруфидаги "IP-CENTER" ўқув маркази фаолияти бўйича маълумотлар берилди.

Г.БОБОЕВА,
ЎЗА МУХБИРИ

ТИЗИМЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси томонидан Давлат божхона қўмитасининг "Тошкент-АЭРО" ихтисослаштирилган божхона комплексида "Биз коррупцияга қаршимиз" шиори остида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат божқаруви академияси билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбир Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ўтказилди.

Тадбирда сўз олган "Тошкент-АЭРО" ихтисослаштирилган божхона комплекси бошлиғи ўринбосари А.Жалилов мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мurosасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупцияга қарши курашиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 12 апрель куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонию биноан, божхона органлари тизимида коррупция кўринишларига мurosасиз муносабатни шакллантириш, халқнинг ишончини мустаҳкамлаш ва давлат божхона хизмати обрўсини ошириш Ўзбекистон Республикаси божхона органларини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Тадбир аввалида йиғилганларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат божқаруви академияси доценти, юридик фанлари номзоди М.Раҳимова коррупцияга қарши кураш борасида миллий ва халқаро қонунчилик ҳақида атофлича маълумот берди.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, чек қўйиш, шунингдек, коррупция ҳолатларини келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш борасидаги чора-тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш масаласи ҳам давра суҳбатининг асосий мавзуси бўлди. Бу борада Ўзбекистон транспорт прокуратураси томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида атофлича сўз юритилди. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш борасида мавжуд ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбир-

лар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими Алишер Хатамовнинг маърузаси тингилди.

Тадбирда асосий эътибор божхона органлари коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлигига қаратилди. Божхона органлари ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф қўриш тақиқланган. Шунингдек, божхона органлари ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасида фаол қатнашиши, ҳодим ўз раҳбари ёхуд ҳуқуқни муҳофазаси қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахснинг қилган муносабатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа давлат хизматчилари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт. Божхона органлари ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймаслиги белгилаб берилган. Божхона органлари ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи, яқин қариндошлари, шунингдек, улар яқин ёки ишга алоқадорлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф қўриш ёки афзалликларига эга бўлишни ўз ичига олади.

Бу борада бевосита "Тошкент-АЭРО" ИБКнинг ўзида ҳам аниқ чора-тадбирлар белгилашиб, шахсий таркиб ўртасида коррупция ва тамағирликка қарши курашиш, хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 1 чораги давомида шахсий таркиб ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тарбиявий-профилактика фаолиятини ташкил этиш ва ўтказишга қаратилган турли тадбирлар, ходимларнинг ҳушёрлигини ошириш ва бу борада профилактик тадбирларни жонлантириш мақсадида хуфёна ва ошқора текширувлар ўтказилган.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атофлича жавоблар олишди.

Зарина РУСТАМОВА

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИ ҲИМОЯ ҚИЛИНМОҚДА

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Йиғилишда Федерация кенгаши раиси Ж.Саримсоқов истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш муҳим вазифа эканлигини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси тизимида

14 ҳудудий бирлашма, 195 туман (шаҳар) жамияти мавжуд. Уларда 1 минг 175 нафар ходим фаолият юритади. Ташкилот, корхона, муассаса, ўқув юртларида 2 минг 35 та таянч гуруҳи ташкил этилган. Федерация аъзолари сони 536 минг 422 нафардан ортиқ.

Кенгаш йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳудудий бирлашмалари раисларининг ҳисоботлари тингиланди.

М.КОСИМОВА

ҲАСАН УЛУСОЙ:

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ЯНАДА ОШИРАМИЗ

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкентда туркиялик иштирокчилар доира вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Бу нуфузли тадбирда қатнашган, бугунги кунда дунёнинг 25 дан зиёд мамлакатига шўба ва ваколатхоналарига эга, 50 дан зиёд мамлакатта жаҳон стандартларига тўла мос келадиган юқори сифатли фармацевтика маҳсулотларини тақдим этаётган "Ulkar Holding" компанияси бошқаруви ҳайъати раиси Ҳасан УЛУСОЙ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Ўзбекистон – Туркия муносабатларининг янги даври, мамлакатимиздаги фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

– Ўзбекистон ва Туркияни узоқ масофа ажратиб турса-да, тарихий илдизи туташ, қадрият ва маданияти ўхшаш икки халқ қардошлиғи жуда яқиндир. Шу боис, халқларимизнинг бир-бирига муҳаббати чексиз, доимо меҳр-оқибатли бўлиб келган. Икки давлат раҳбарларининг бевосита сай-ҳаракати билан бу кутлуг аънава кейинги йилларда янада мустаҳкамланиб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев тақлифи билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келгани ҳам тарихий аҳил муносабатларимиз ривожига хизмат қилади, – дейди Ҳасан Улусой. – Алоҳида таъкидлашни истардимки, биз ота юртимизда фаолият камровимизни кенгайтирганимиздан мамнунмиз. Ўзбекистондаги "Nobel Pharmsanoat" компаниясига 2002 йилда асос солинган. Мазкур компания Туркияда 1954 йилда фаолият бошлаган "Ulkar Holding" – "Nobel Ilac" компанияларининг йирик тармоғи ҳисобланади. "Nobel Pharmsanoat" 100 фоиз ўз сармоммиз ҳисобидан иш бошлаган Ўзбекистондаги дастлабки йирик фармацевтика соҳасидаги компаниядир. Бугунги кунда "Nobel Pharmsanoat" да халқаро стандартларга тўла мос келадиган 100 дан зиёд қўришда 60 турдаги дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мазкур дори воситаларининг 5 тури маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда.

Махсулотимиз сифати ва унинг таъсир механизмига алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда юқори малакали ходимларимиз Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида шифокорлар ва фармацевтлар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, махсулотларимиздан тўғри ва мақсадли фойдаланиш борасида маслаҳат бериб келади.

Инвестицияларимиз микдори 40 миллион АКШ долларига етган, "Nobel Pharmsanoat" компанияси маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятини янада қўлайлаштириш янги фабрика иш бошлаш арасида. Инвестицияларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастуридан ўрин олган қисми 13,5 миллион доллардир. Ўзбекистон ҳукумати аъзоларининг 2017 йил март ойида Туркияга бўлган ташрифи чоғида эса яна 3 миллион долларлик янги инвестиция шартномаси имзоланди.

Янги фабрикаимиз қурилиш-монтаж ишлари 2013 йилнинг 16 ноябрида бошланди, 2017 йилнинг август ойида тугалланди. Бу ерда 60 дан ортиқ фаол моддадан иборат дори-дармонлар учун ишлаб чиқариш линиялари, физик ва кимёвий, микробиология лабораториялари, хом ашё, қадоклаш ва тайёр махсулот омборлари мавжуд. Ишлаб чиқариш механизми Европа СМР стандартларига тўла мос келади. Яқин кунларда махсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ишлаб чиқаришга Италия, Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистондан замонавий технологиялар жалб этилган. Бир сменада йилга 10 миллион қути дори ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу фабрикада таблетка, қопламали таблетка, капсула, эритма қукуни, томчи спрей ва бурун учун назал спрей каби махсулотлар ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга фабрикада ходимлар учун барча қўлайликка эга замонавий офис ишга тушади.

Ўзбекистондаги "Nobel Pharmsanoat" компанияси "Made in Uzbekistan" бренди остида ўз махсулотларини Афғонистон, Грузия каби давлатларга экспорт қилмоқда. Яна 3 турдаги махсулотимиз Туркияда рўйхатдан ўтказилиб, апрель ойида уларнинг дастлабки қисми экспортга йўналтирилди. Ҳозир Германия ва Молдовага экспорт учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Буюк Ипақ йўлининг савдо чорраҳасида жойлашган ота юртимиз – Ўзбекистонда инвестицияларимиз ҳажмини янада кўпайтириш тарафдоримиз. Фикримиз далили сифатида айтишим керакки, Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида қўллаб-қувватланаётган лойиҳаларимизни амалга ошириш билан дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш ҳажминини йилга 50 миллион қутига етказишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун Ўзбекистонда барча имконият мавжуд.

Улуғбек АСРОҚОВ
ёзиб олди

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТИНГИЗ БИЗ УЧУН ИБРАТ

Пойтахтимиздаги Амир Темур хийбониди Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан "Жасорат ва матонатингиз биз учун ибрат" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда ички ишлар органлари фахрийлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийлари ҳамда ўқувчилар иштирок этди.

Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони асосан байрам арафасида жойларда уруш ва меҳнат fronti фахрийларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиб, улар ҳолидан хабар олинмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда тизимда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган ички ишлар органлари фахрийлари 27 нафарни ташкил этса, фронт ортида матонат кўрсатган меҳнат fronti иштирокчилари 57 нафардир. Тадбирда сўз олганлар матонат ва жасорат намунасини кўрсатиб, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун катта ҳисса қўшган ушбу инсонларнинг ҳаёти барчамизга, айниқса, ёшлар учун ибрат мактаби эканлигини таъкидлади.

Ички ишлар органларидаги ёш ходимлар, "ЖАР" спорт-соғломлаштириш мажмуи қошидаги мактаб-интернат тингловчилари ҳамда вазирликнинг 1-академик лицейи ўқувчилари фахрийларга байрам тилакларини билдирди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ички ишлар органларида хизмат қилиб, ҳозир кексалик гаштини сураётган фахрийлар – Абдувоҳид ота Абидов, Қаҳҳор ота Холматов ва Пётр Анпилоговлар суронли уруш йиллари ҳақида ёшларга сўзлаб берди. Ёшларни тинчликни қадрлаш, уни ҳимоя қилиш, юрт равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида ҳалол хизмат қилишга чақирди.

Ички ишлар вазирлиги Маданият саройи ва вазирликнинг Намунали-кўргазмали оркестри томонидан ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги тароналар, Ватанга муҳаббат, бурчага садоқатни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА муҳбири

Жой номлари ҳам инсон номлари каби ўз таърифи ва тарихига эга. Қизиги шундаки, ана шу номларга қараб, шу маконда яшовчиларнинг нафақат касбу ҳунари, балки феъл-атвори ҳам шаклланади. Масалан, Тошкент шаҳридаги қадимий Ўқчи даҳасини олайлик.

Тарихий манбаларга кўра, бу мавзёда қадимдан яшаган одамларнинг аксарияти ўқ-дори, қурол-яроғ ишлаб чиқариш билан шуғулланишган. Шунга кўра, уларни ҳам тўғрисиқ, иродали, мурд ва жасур бўлишган.

Лавҳамиз қаҳрамони, таниқли олим ва мураббий Мавлуд Фуломов ҳам ҳеч истиснозсиз ана шундай одамлар сирасига кирди. Кўп болали оиланинг тўнча фарзанди бўлгани боис у ёшлиғидан ҳаётини аччиқ-чўчқин эртаёт қотиб қўлди, ота-онасининг чинакам ҳамқори ва мададкори бўлди. Уруш бошлангач, унинг ҳам ҳам-ташлиши ортди. Унинг бирдан-бир ораси шифокор бўлиш, одамларнинг доридига даво топиш, малҳам бўлиш эди. Бу эзу ниҳтини амалга ошириш мақсадига Мавлуд яхши тайёргарлик қилиб, Тошкент давлат тиббиёт институтига кирди. Дастлабки пайтларданок ўргатилётган тиббий фанлар ичидан унга негидир "Одам анатомияси" жуда ёқиб қолди. У бу фанни шунчаки илос қўйиб эмас, балки йилгилки бурчини адо этиш вақтида эртани-индин керак бўлиб қолди, деган мақсадда ўқиди. Чунки ўша вақтларда уруш кетаётган эди. У вақти келиб мени ҳам урушга чақирди, одам аъзоларида турли-туман жароҳатлар, табиийки, бўлади, агар мен уни тўғри тушуниб, идрок этсам, жангда асқотида деган тушунчани ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Унинг тахмини тўғри чиқди. Мавлуд Фуломов ўқининг биринчи босқичини тугатиши биланок, 1942 йилнинг кузида Ватан ҳимоясига сафарбар этилди. Онаси кўзида ёш билан уни бағрига босиб, нон тиллатди.

Мавлуд қисқа ҳарбий тайёргарлини аввал Фарғонада, сўнгра Андижон шаҳарларида ташкил этилган бўлиналарда ўтди. Уқчилар кўчасидан эмасми, тиришқоқ, зийрак ва тийраклиги боис ўзига топширилган қурол-яроғнинг сиру синоатларини тезда ўрганиб, даладаги дастлабки машғулотларда ўзининг моҳир мерганлигини кўрсатди-қўйди. 600 метр масофадан қараётган доирага урта ўқ узиб, мўлжалга аниқ ва беҳато теккизди. Бунинг учун у махсус "Аълочи снайпер" кўрак нишон билан тақдирланди. Бундан ниятда руҳланган Мавлуд жанговар машғулотларда янада фаол қатнашиб, катта сержант унвонига сазовор бўлди.

— Ёшларда Москва томон кетар эканмиз, — дея ўтган воқеаларни кўз олдига келтирди Мавлуд ака. — Кўзнецк шаҳрига етганимизда бизни бошқа ҳарбий бўлиналар билан қўшиб, аралаштириб юбордиши. Ёшларимиз дам юриб, дам тўхтади. Атрофга назар ташласак, ҳамма ёқда ағдар-тўнгар бўлиб, қийиб-ёнган танклар, машиналар, вагонлар, самолётлар, ағдарилиб ётган дов-дараклар кўзга ташланарди. Бу ерларда бир неча кун илгари жағ бўлиб ўтгани бузилган тўп, замбараклар, мина ва ўқ-дори солинган ишқиларнинг бетартиб уюлиб ётганидан сезилиб турарди. Жангда ҳалок бўлган одамларнинг жасадлари ерга енгил-елги қўлиб кетганини ўнчун бўлса керак, димосимизга қандайдир қўлакча хид уларда.

— Бир воқеа сизга эсимдан чиқмайди. Йўлда юносободлик Имомали Расулов деган бир йигит билан танишиб қолдим. Биз ўша пайтлар урушга кетаётган бўлсак ҳам, ниҳоятда содда, тўғри, ишонувчан, қалби олов, беғубор эканмиз. Қувлик, шувлик, мугумбирлиқни билмасдик. Халтамиздаги ейдиган ҳамма нарсани алақачон тинчичиб бўлгандик. Йўлда берилган қотган нон, бир симон нўхат тишни синдиради. Қорин қурғур сурнай чаларди. Ёшларимиз каерда тўхтаса, бизнинг аъбир ва тадбиркор йигитлар лип этиб пастга тушиб, даров ўтин-чўп топиб олов ёқиб пайга тушишарди. Ёнлариди оқват ейдиган идишлари — котелокдаги сувга нўхат солиб пиширишарди. Бир кун ўрмон ичида тўхтадик. Тахтачага катта қора ҳарфлар билан: "Эктиб бўлинг! Бу ерда мина қўйилган!" деган ёзувлар дараклар қочиб қўйилган. Шунга қарамай, ҳамма вагондан туша солиб, ўзини баравар ўрмон ичига уриб кетди. Йигитлар бир зумда ўтин-чўп топиб, одаддаги машғулотлари билан банд бўла бошлашди. Қарасак, бир йигит ўрмон ичидан орқа тарафиди бир шода мина жойлаштирилган икки қулоч тахтани бемалол елкасига қўйиб келяпти!

— Хой-хой, эктиб бўл! Мина ёрилиб кетади! — десак ҳам парвоий фалак. Тўри келиб, у елкасиди тахтани ўтинга ишлатиш учун олов ёқатганлар олдида тўхтади. Кўпчилик бўлиб минани зарарсизлан-тирдик-да, запални уйдигиларга совга қилиб юбориш учун мўнтақларимизга солиб олдик. Бола эканмиз-да, ҳамма машамша кейин бўлди. Имомали иқовимизга каттиқ бахолошиб қолдик. Мен: "Минанинг устига 180 килограмм юк боссагина бўлади, бўлмаса йўқ" десам, у: "Ўндан камроқ бўлса ҳам ёрилиш мумкин" деб, мени енгмоқчи бўлди. Охири қулоч бойлашдик. Ниҳадан денг? Эсон-омон Тошкентга борсак, бир гуруҳ ўргилсин чойнама палов қилиб беришдик!

— Мен мина қўрилиб, усти дўпнаиб турган жойдаги тахтанинг устига чиқиб, бир-икки марта тепадан пастга силқидим. Ҳеч нарс бўлмади. — Мана, кўрдингизни, менинг оғирлигим аранг 50 кило келди, шунинг учун ҳам мина ёрилмади, — дедим гапимни маъқуллаб. — Қани, энди сиз ҳам ёнимга чиқин-чи, нима бўларкин. — Чиқмаган номард, — деди Имомали мардликни тутиб. Иқовимиз бир-биримизнинг қўлимизни ушлаб, худди ўзимизни таро-

ЎҚЧИ КЎЧАЛИК ЖАНГЧИ

тасалли бериб. Шундан кейин руҳим бир оз енгиллашиб, ўзимни анча хушёр сездим. Ён-атрофимга қарасам, бир кекса жанги замбарак суриб кетаяпти. Унинг ўз тузилиши, юришлари худди отамга ўхшарди. Яна беҳотёр ич-ичимдан кучли садо чиқди:

— Адажон! — Бояги одам тўхтаб, ҳеч нарсга тушунмай, олазарак бўлиб орқасига қаради. Кимдир уни туртиб, мени кўрсатди. У мени томонга яқинлашар экан, кўзларига ишонмай, шердек ўқибди, ўзини бағримга ташлади.

— Мавлуд, сенимсан ўғлим? — Ха, мениман ада, мениман! — Нима бўлди сенга? Оғир ярадор бўлмадингми ишқилиб? Дадил бўл, ўғлим!

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? Кетаётганимда уйда эдингиз-ку! — Ха, сендан кейин мен ҳам жангга отландим. — Уйдигилардан хат-хабар олиб турибсизми? Ойим, укаларим соғ-саломатми?

— Хаммалари тинч, омон, ўғлим. Хат ёсанг, улардан менинг манзилимни сура, хат ёзиб тур. Саломат бўл, болам. Хайр, соғ қўришгунча! Бизникилардан узилиб қолмай, хайр болажоним, хайр! — "Тог то билан ўчрашмас, одам одам билан ўчрашар", деганлари шу бўлса керак-да!

— Ўшандан сўнг Мавлуд Фуломов Калуга, Москва, Краснокамскдаги ҳарбий госпиталларда 6 ой даволяниб, 4 марта мураккаб операцияларни бошидан ўтказди. У госпиталда ётганида отаси билан хат ёзишди турди. Отаси унга ёзган хатларининг бирида шундай деган эди: "Сенга сингилча, мени қизалоқ муборак бўлсин! Исми Дилфуза! Ишқилиб ўмири, ризку насибаси, ота-онаси, бахт-саодати билан берган бўлсин! Уйга мендан олдин борсанг, мен учун ҳам қизалоқни ўпиб, эркалаб қўйинг".

— Мавлуд Фуломов 1943 йилнинг кузида қўлтиқатқанда ўзи туғилиб ўсган қадрдон ўқи маҳалласига кириб келди-ю, дастлаб онаси Рихсиҳонини ва кейинчалик эл-юрт назарига тушиб, таниқли шифокор, оташнафас сўхандон, "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси бўлиб етишган Дилфузани бағрига босиб хўн-хўн йиғлади. Бу қувонч кўз ёшлари эди, албатта.

— Мавлуднинг отаси Фулом Исмаҳамедов 1945 йилнинг майида Фалабани Берлинда қўчи олиб, уйга қайтганча, у яна оилани онаси билан бирга бошқариб, ўқилари давом эттирди.

— Айти қуларда уруш ва меҳнат фахрийси, тиббиёт фанлари номзоди, Республика жисмоний тарбия институти "Одам анатомияси" кафедраси доценти, минглаб тиббиёт ходимлари ва жисмоний тарбия бўйича мутахассисларнинг мураббийси ва устози Мавлуд Фуломов табарқур 90 ёшдан ошиб, фарзанд дилбандлари даврасида яшаб, ҳаёт нашидасини сурмоқда.

Искандар РАҲМОН

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўз қобилият ва имкониятларини юзага чиқариш учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама муҳофаза қилиш борасида жуда катта ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу Фармон ижроси йўлида шаҳримизнинг энг қадимий ва навқирон туманларидан бири ҳисобланган Шайхонтоҳур туманида ҳам туман хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор режални ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан хотин-қизлар қўмитаси томонидан тумандаги ҳам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, қўп болали ва оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларнинг барчаси билан мулоқотда бўлиб, уларнинг яшаш шароитлари атрофида ўрганилиб, мунтазам суҳбатларда бўлиб, имконият доирасида маънавий, маданий ва моддий ёрдам бериб келинмоқда, шунингдек, тўй-ҳашамларни қисқартириш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга маҳалларда фаолият юритаётган фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ўрнига "Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис" лавозимларига ҳозирда нафақада бўлган, меҳнат фаолиятлари даврида эса раҳбар, ҳуқуқшунос, психолог, шифокор ва олий тоифали ўқитувчи лавозимларда фаолият юритган, фидойи, ўз ишига масъулият билан ёндошадиган мутахассислар тайинланди. Улар суҳбатдан ўтказилиб тайинланган лавозимлари масъулияти тушунирилган ва қарор талаби асосида иш юритиш учун тегишли ҳужжатлар билан таништириш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ўтказилди. Май ойида бошлалб янги ишга қабул қилинган мутахассислар малака ошириш бўйича ўқинишга юборилиш режалаштирилган. Ўтган даврда хотин-қизлар қўмитаси томонидан аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тумандаги ҳар бир маҳаллада жиноят қилишга, ўз жонига қасд қилишга, ҳуқуқбузарликка мойил, нотинч оилалар, ижтимоий оғир шароитда яшаётган хотин-қизлар, ногирон ёки ногирон фарзандлари бор аёллар рўйхатлари шакллантирилиб, маълумотлар базаси яратилди.

Ушбу оилаларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва назоратга олиш, соғлом ҳаётга қайтариш борасида мониторинг ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, маҳалларда оилаларни ўрганиш доирасида аниқланган ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"га кўра манзилли ёрдамлар кўрсатилиб келинмоқда. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож 5 нафар ўта муҳтож аёлларга уй-жой ажратилиб, 70 нафар зарур маиший техника билан таъминланиб, 6 нафарига бепул тиббий заминат кўрсатилди ва 25 нафарининг уй-жойини таъмирлаб бериш режа бўйича амалга оширилмоқда.

Фармон ва ижро ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Бундан ташқари туманда истикомат қилувчи 30 нафар ногиронлиги бор ва меҳнатга лаёқати чекланган, уй-жойга ўта муҳтож фуқароларга бошланғич бадалсиз имтиёзли равишда Сергели туманида қуриляётган уй-жойлардан ажратиб бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигига ҳужжатлари тақдим этилди. 20 нафар уй-жойга ўта муҳтож, ногиронлиги бор, имтиёзли уй-жойларга навбатга қўйилган фуқаролар навбатдан ташқари уй-жой билан таъминланмоқда.

Тумандаги фахрий аёллар, нуруний онахонлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, ногирон, махсус ҳисобдан чиқарилган аёллар туман хотин-қизлар қўмитасининг доимий эътиборидадир. Улар томонидан ўтказилган 85 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирларга 5000 нафардан зиёд хотин-қизлар қамраб олинган. Шу билан бирга байрамларда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 247 нафар аёлларга моддий ёрдам кўрсатилган, қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Туманда хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни спортга жалб қилиш масалалари тизимли йўлга қўйилган. Мунтазам равишда "Спорт — саломатлик гарови", "Гимнастрада" спорт тадбирлари

гадлиги, барча оилавий поликлиникалар билан ҳамкорликда соғломлаштириш гимнастика гуруҳлари ташкил қилинганлиги "Соғлом оналардан соғлом фарзандлар дунёга келди" широри остида олиб борилаётган ишларимиз самараси албатта.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан 48 нафар оғир шароитда яшаётган хотин-қизларнинг 18 нафари ишга жойлаштирилди, 4 нафар хотин-қизлар Бандлик бош бошқармаси қошида очилган касба қайта тайёрлаш ўқув курсларига ўқишга жалб қилинди ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган 7 нафар хотин-қизлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш мақсадида муаммолари ўрганилиб, уларнинг барчаси имтиёзли равишда чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилди. Уларга моддий ёрдам ажратилиб, маҳалла мутахассислари ёрдамида олиб борилаётган ишлар бугун ўз икжобий самарасини бермоқда.

Тумандаги банклар томонидан 6 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга 48 321000,00 сўмлик тўқувчилик фаолияти билан шуғулланишлари учун имтиёзга кам фоизли кре-

дитлар ажратилишида ҳам хотин-қизлар қўмитасининг ҳиссаси катта.

Тўй-ҳашамларни қисқартириш, ажримларнинг олдини олиш борасида ишлаб чиқилган аниқ дастурлар асосида олиб борилаётган ишлар натижасига кўра туманда 2018 йил 1-чорак якунида оилавий ажримлар сони ўтган йилга нисбатан 62 тага қамайишига эришилган. Туманда ташкил этилган "Қайноналар кенашини" фаолияти Республика миқёсида оммалаштирилган.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, туманимизда хотин-қизлар саломатлигини тиклаш, уларнинг санаторий-профилакторий, шифохоналарда даволянишини ташкил этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, диний экстремизм ва ақидадарастлик мавзуларида ўқу-рушу, давра суҳбати, дебат, бача-мунозара ўтказиш масалалари ҳам эътиборимиздан четда эмас. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлиши табиий. Албатта, туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан Президентимиз Фармони ижросини таъминлаш бўйича хали кўп ишлар қилиниши керак. Хотин-қизлар оммаси кўпроқ қайди қилинган мактаб, боғча, академик лицей, коллеж, шифохона ҳамда турли тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайтадан қўриб чиқиш давра талабидир.

Шунингдек, "Қизларзон" тўғрисида фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мақсадида мувофиқдир. Бунда бошланғич ташкилот раислари ташаббускорлиги ва кучига таянмиш. Мақсадимиз хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, аънаваний оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга ҳисса қўиш каби қатор вазифалар, хусусан ислохотлар ижроси йўлида фаол бўлиш, бугунги кун талабига "лаббай" деб жавоб беришдир.

Суррайя ПЎЛТОВА, Шайхонтоҳур тумани ҳокимини ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкида оммавий ахборот воситаларининг банк мавзусини ёритадиган журналистлар малакасини ошириш бўйича семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган семинар давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 9 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шиддатли тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда жорий йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилди.

Семинар машғулотларида журналистларга янги иқтисодий шароитда мамлакатимиз банк тизими олдида қўйилган вазифалар, пул-кредит сиёсатининг олий борилиши, валюта бозорини эркинлаштириш, банк тизимининг ривожланиш тенденциялари, миқозларга замонавий банк хизматларини кўрсатиш каби мавзуларда маърузалар қилинди, билим ва тушунчалар берилди.

Шунингдек, акциядорлик тижорат Халқ банкининг Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида ҳам барқарорлиқни таъминлаш, аҳоли ишончини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда замонавий банк хизматлари кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Халқ банки томонидан кейинги йилларда "Интернет банкинг" ва "Мобиль банкинг" тизимлари жорий этилгани молия муассасаси фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга миқозлар учун қўшимча қулайликлар яратилмоқда. Яъни, миқозлар исталган вақтда ўз ҳисоб ва рағидаги маблағлар ҳолатини кузатиш, келиб тушадиган пулларни назорат қилиш, ўтказиш, тўловларни амалга ошириш имконига эга бўлимоқдалар.

Миқозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида жисмоний шахслар учун "Xalq Mobile" мобил банкинг иловаси ишлаб чиқилди. Ушбу илова ёрдамида миқозлар Халқ банки филиалларида очилган Visa карталарига ўзларининг тўлов карталари орқали исталган жойда маблағларини онлайн конвертация қилишлари мумкин. Шу билан бирга, мазкур илова ёрдамда кредит тўловлари ва омонатларига ҳисобланган фоизларни кузатиб бориш имкониятига эга бўлади.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Абдуалим САЛИМОВ

ИЛМИЙ ҚИММАТГА ЭГА МАВЗУЛАР

Тошкент давлат аграр университетиди мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлашнинг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Университет проректори М.Одилов, профессорлар Ҳ.Отабоева, М.Тошболтаев ва бошқалар Ўзбекистонда мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлашнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш, мойли экинларнинг селекцияси, уруғчилик ва уруғшунослик муаммолари ҳамда ўсимликлар геогондини бойитиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ва уларнинг натижаларини алоҳида қайд этиб ўтди.

— Анжуманга нафақат пойтахтдаги олий ўқув юртлари, илмий муассасаларни, балки вилоятлардан ҳам олимлар, ўқитувчилар, мутахассислар, ёш тадқиқотчилар ва талабалар тақлиф этилди, — деди ЎЗА муҳбирига Тошкент давлат аграр университети Инновация ва интеграция маркази раҳбари О.Файзиев. — Унда биз мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича қилинаётган ишлар билан бир қаторда соҳадаги камчиликларни муҳокама қилидик, ўз ечимини қутаётган муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирларини белгилаб олдик. Ўтказилган тадбир эса ушбу жараёнда илм аҳли ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаб, янги гоғ ва инновацион лойиҳалар устида изланишлар олиб боришга кенг имконият очди.

Тадбирда "Мойли экинлар селекцияси: ҳозирги ҳолати ва келажиги", "Еғ-мой санвати мажмуини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари", "Лалмикор ерларда мойли экинлар етиштириш агротехнологияси ва селекцияси", "Ўзбекистонда соя етиштиришнинг замонавий агротехнологиялари", "Мойли экинларнинг асосий зараркунанда ва касалликларини, уларга қарши кураш чоралари" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Долзарб ва илмий қимматга эга мавзулари билан қатнашган олим ва тадқиқотчилар рағбатлантирилди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА



Спорт янгилликлари

ТУРНИР ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАНДИ

Кикбоксинг бўйича ҳар йили ўтказилиб келинаётган "EM Legend" анъанавий турнири старт олди.

"The World Gold Belt" камари учун кечадиган жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли 32 жангчиси ўзаро кураш бошлади.

Ченгду шаҳридаги "Emeishan Station" аренасида мусобақанинг "A" гуруҳи иштирокчилари "The World Gold Belt" камари учун баҳсларга киришди. Чемпионатнинг илк жангида ўзбекистонлик аралаш яккакураш жанг санъатла-

ри устаси ва икки карра муайтай бўйича жаҳон чемпиони Анвар Бойназаров учинчи марта чемпионлик камари учун юришини бошлади.

Ҳамюртимизга илк жангда хитойлик Пан Цзяюн рақиблик қилди. Ушбу тўқнашувда Анвар Бойназаров рақибини ортқча қийинчиликсиз мағлубиятга учратди.

Ботир ХУҲАЕВ

Регби

РЕГБИЧИЛАР САРАЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий университетида Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида регби бўйича чемпионатнинг финал учрашувлари бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган чемпионатда 8 жамоа голиблик учун ўзаро куч синашди. Бу мусобақадан кўзланган асосий макссад жорий йилда Қозғоғис-

тонда ўтказиладиган Осиё ўйинлари 3 дивизион мусобақасида муносиб иштирок этиш учун терма жамоа сафига истеъдодли спортчиларни саралаб олишдир. Чемпионатда Мудофаа

вазирлиги спорт клуби, Шарқий ҳарбий округ ва Куролли Кучлар академияси жамоалари шохсупага кўтарилди.

Ж.ТОШХУҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

Республикада ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун жорий қилинган қулайлик ва енгилликларни суниестемол қилган ҳолда товар-моддий бойликларни ноқонуний йўллар билан олиб киришга бўлган навбатдаги уринишлар фош этилди.

Божхона фош этади

ҲУЖЖАТДАГИ ФУРНИТУРА ТЎЛОВДАН ҚОЧИШГА ИМКОН БЕРМАДИ

Божхона органлари томонидан фаолиятга замонавий инновацион технологияларни жорий этиш божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришга хизмат қилиш билан бир қаторда товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтиш ҳамда давлат бюджетига ундирилиши лозим бўлган тўловлардан қочишга бўлган уринишларни ўз вақтида аниқлашга хизмат қилмоқда.

Ўқинда Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ходимлари томонидан шу турдаги бир қатор божхона қоидабузарликлари фош қилинди.

Хусусан, пойтахтимизда фаолият кўрсатувчи масъулияти чекланган жамиятлардан бирининг номига Туркиядан келтирилган юклар мобилъ сканер кўмагида божхона кўригидан ўтказилганида, аслида йўл-юк кузатув ҳужжатларига кўра қиймати салкам 3 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи 3,8 тонна оғирликдаги тикувчилик фурнитуралари ўрнида бутунлай бошқа товарлар, яъни 83 ўрамда салкам 12 минг метр квадрат газламалар борлиги маълум бўлди.

Шунга ўхшаш ҳолат яна бир масъулияти чекланган жамият номига олиб келинган юкларнинг божхона кўриги давомида ҳам қайд этилди. Ҳужжатларга кўра 10 минг АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги ушбу юклар 1,4 тонна оғирликдаги, 10 минг метр квадратдан ортиқ матолар бўлиши лозим эди. Аммо божхона кўриги давомида ушбу товарлар ҳужжатда кўрсатилганидан салкам 4800 метр квадратга кўпроқ эканлиги аниқланди. Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Шу ўринда юрдошларимиздан божхона қоидабузарликлари ёки божхона ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Давлат божхона қўмитасининг 120-76-33 ҳамда Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг 120-76-71 – "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси Ахборот хизмати

Қилмиш – қидирмиш

40 МИНГ ДОЛЛАРГА ЧУВ ТУШИРИШДИ

Ҳозир пойтахтимизда абитуриентларни ўқишга тайёрловчи ўқув курслари жуда кўп. Аммо бу курслар очилгани сари "ўқишга киритиб қўяман", деган фирибгарлар ҳам кўпайиб қолди. Йўқса, Тошкент шаҳрида яшовчи уч дугона – Дилдора Каримова, Малика Абдуллаева ҳамда Гулчехра Шомалиқовалар (исм-шарифлар ўзгартирилган) фуқаролардан 40 минг АҚШ доллари олиб, ваъдани бажармай "қора курси"да ўтирмаган бўларди.

Д.Каримова 1975 йил Тошкент шаҳрида туғилган, олий маълумотли, ажрашган, икки нафар вояга етмаган фарзанди бор. Муқаддам судланган. Унинг жиноий шериги М.Абдуллаева 1979 йил Тошкент шаҳрида туғилган, ўрта махсус маълумотга эга. Оилали, икки нафар вояга етмаган фарзанди бор. Г.Шомалиқова 1976 йил Тошкент вилоятида туғилган. Олий маълумотли, ажрашган, икки нафар вояга етмаган фарзанди бор. Муқаддам судланган.

Дилдора Гулчехра билан 2016 йилнинг май ойларида танишади. Малика ва Гулчехра олдиндан дугона эди. Улар фарзанди ўқишга кирмоқчи бўлган оилаларнинг ишончига кириб, ўқишга киритиб қўйиш орқали мўмай бойлик орттиришни мақсад қилишган.

2016 йил 29 май куни Дилдора, Малика ва Гулчехралар алдаш ва ишончли суниестемол қилиш йўли билан фуқаро Г.Самадовага қизи Шаҳзодани ўқишга кириши учун ўқув курсларида тайёрлашни ваъда қилиб, ундан 4 минг АҚШ долларини олиб пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Уч дугона шу тариқа ўз жиноий фаолиятини давом эттириб боришган. 2016 йил июль ойида Дилдора Малика билан жиноий тил бириктириб яққасаройлик Г.Жабборов вага ўғли ва қизини ўқишга кириши учун ўқув курсларида тайёрлашни ваъда қилади. Унинг ота-онасидан 9800 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни олиб, берган ваъдани бажармай пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборади.

Дилдора 2016 йил 17 июль куни танишлар

ри Малика ва Гулчехралар билан келишган ҳолда С.Миртемировни ўқишга киритаман деб 3,5 минг доллар пулини олиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Дилдора 2016 йил 15 август куни Малика билан биргаликда мирободлик А.Абдуллаевни ўқишга киритиб қўяман деб, 5 минг АҚШ долларини шилиб олади.

Бу каби ўқишга киритаман деб пул олишлар 25 август куни фуқаро Л.Ботированинг қизини ўқишга киритаман деб 4 минг АҚШ доллари, 27 август куни Ш.Комиловани 3 минг АҚШ доллари, О.Хушвақтованинг ўғли Диёрни ўқишга киритаман деб 3 ярим минг АҚШ долларини олишда давом эттирилган. Шунингдек, С.Дўстовнинг 2 минг, М.Шарифхўжаевнинг 1 ярим минг, Ш.Баҳодированинг қизини ўқишга киритиш учун 2 минг АҚШ долларини олиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборишган.

Бунга нима дейсиз? Фирибгарлар томонидан жами 40 минг АҚШ доллари яқин пул олиниб, жигилдонга урилган.

Судда Д.Каримова ўз айбига тўлиқ иқдор бўлган бўлса, Малика ва унинг дугонаси Гулчехра айбига қисман иқдорлик билан қўйилди. Уччовлари бир-бири билан қандай танишгани, қандай қилиб мижоз тоналган, бировларни алдаб пулни ўзлаштириб юборганларини сўзлаб беришди.

Суд уччала фирибгарга нисбатан озодлиқдан маҳрум этиш ҳамда озодлиқдан чеклаш билан боғлиқ жазо тайинлади.

Умид ҲАСАНБОВЕВ,
Миробод тумани прокурори ўринбосари

"101"

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Ёнгинлар профилактикасини ташкил этишда тарғибот ишлари муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролар ўртасида кўргазмали семинарлар, учрашувлар, очиқ мулоқотлар ташкил этилмоқда.

"Ёнгин профилактикаси куни" тадбири доирасида ўтказиладиган учрашувларда нафақат хавфсизлик қоидаларига тўхталинмоқда, балки кўп йиллардан буён ҳал этилмаётган муаммолар ҳам ўз ечимини топишмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги "Илғор" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган очиқ мулоқотда ҳудудда содир бўлган айрим ёнгинлар ва уларнинг сабаблари жамоатчилик билан муҳокама этилди. Шунингдек, ушбу маҳалла ҳудуди ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан уйма-уй юриб ўтказилган текширувлар жараёнида аниқланган камчиликлар батафсил кўриб чиқилди. Жумладан, "Илғор" маҳалласи, Қори Ёқубов кўчаси, 1-хонадонда истиқомат қилаётган фуқаро Р.Зайнитдинов хонадонда газ жўмраги резина шланг билан уланганлиги аниқланди. Унинг қўшниси С.Ҳамдамовга тегишли бўлган 18-хонадон олдида уюм қилиб йиғилган ахлат ва қуриган шох-шаббалар барча маҳалладошларни анчадан бери ташвишга кўяётгани, Тинчлик тор кўчаси, 11а-уйда яшовчи фуқаро Д.Ориповнинг уйига кирувчи газ труба ҳамда электр симлари бетартиб осилиб ётганлиги, бунда нафақат ёш болалар, балки катталар ҳам электр тоқидан зарар кўришлари кўриб чиқилди. Мулоқот сўнггида "Илғор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Тўлагановнинг бепараволиги оқибатида аниқланган камчиликлар бартараф этилиши кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, аҳолига арзимас камчилик катта талафотларга олиб келиши юзасидан хонадонларда содир бўлаётган ёнгинлар акс этган видеороликлар намойиши барчани огоҳликка чорлади. Тадбир якунида амалий тактик машғулот ўтказилиб, жанговар ҳаракатлар намойиш этилди.

"Ёнгин профилактикаси куни" тадбири Бектемир туманида жойлашган 582-сонли мактабга таълим муассасасида ҳам ўтказилиб, болаларга хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш бўйича тушунчалар берилди. Тарбиячиларга ҳам қўшимча йўриқнома берилиб, ёнгин вақтида ҳаракатланиш тартиблари ва бирламчи ёнгин ўчириш воситаларидан фойдаланиш қоидалари тушунтирилди. Бу каби тадбирлар пойтахтимизнинг барча туманларида ўтказилиб, ўз яшаш ва иш жойларига ёнгин хавфсизлиги қоида талабларини сўзсиз бажариши зарурлиги қайд этилмоқда. Ана шунда ёнгин ҳодисаси келиб чиқмайди ва уларнинг олди олинган, фуқароларнинг оёсийишта турмуш тарзи таъминланган бўлади.

Равшан ХАЙРИЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ КБ МТБ инспектори, майор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 15.05.2017 йилда рўйхатдан ўтган "Ўзбекистон мувофиқлики баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази" давлат корхонаси (ИНН 304889662) ("Ўзбекаккредитация" ДК) "Ўзстандарт" агентлигининг 26.04.2018 йилдаги 164-сонли буйруғига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида Олмазор тумани, Фаробий-Ҳаракат кўчаси, 202-00-11 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Бешариқ кўчаси, 13а-уй манзилида жойлашган бинога тегишли 16.08.2016 йил № 10:04:06:02:03:0085 рақамли кадастр ҳужжати ҳамда гувоҳномалар йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"М.Улуғбек тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан М.Улуғбек тумани, Гулсанам 1-берк кўчаси, 16-уй учун Таджаҳмедова Мухаббат Юсуповна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗР Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси "Коллоид кимё" лабораторияси мудири Иzzат Эшметовга волида мухтарамаси

Бибижон ая Маткаримовнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

ЎзГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

25-27 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 2 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиши кетишига имконият яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 2 май куни ҳаво ўзгариш турари, ёнгинчилик бўлмади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамал эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи —

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Учтепа туманидаги 199-мактаб май ойида компьютер сотиб олиш учун ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Умумий суммаси 15 000 000 сўм.
Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: +99871 272-34-61.

Тошкент шаҳри, Учтепа туманидаги 199-мактаб май ойи учун ўқувчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш мақсадида ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Умумий суммаси 14 000 000 сўм.
Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: +99871 272-34-61.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани ТСРҲИ томонидан 17.06.2011 йилдаги № 003073-06 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "MEGA HYDRAULIC" МЧЖ (ИНН 302030143) тизимининг 30.04.2018 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида Сергели тумани, 5-мавзе, 9-уй, 7-хонадонда қабул қилинади. Тел: (90) 332-73-73.